

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар	81
У.Усаров	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқишининг тарихий босқичлари.....	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Ақбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдурахмонова	
Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Дехқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Ҳайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муйдинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК: 8-1/-9+417.32/33

**НИШОТИЙ МУХАММАСЛАРИНИНГ МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ
(II ҚИСМ)
ТЕКСТОВО-СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МУХАММАСОВ НИШОТИ
(II ЧАСТЬ)
TEXTUAL-COMPARATIVE ANALYSES OF MUHAMMASES BY NISHOTIY
(PART II)**

О.Солиева

Аннотация

Мақолада В.А.Абдуллаев, Ҳ.Расул, В.Мирзаевлар томонидан нашрга тайёрланган монография ва тўғлам китобларда Нишотийнинг Навоий ғазалларига боғлаган таҳмисларидан намуналар келтирилган. Уларни ўзаро асл матн билан биргаликда қиёслаш орқали улардаги ўзгаришлар ва манбалардаги асосий фарқлар фонетик ва лексик сатҳ бирликларида аниқланади.

Аннотация

В данной статье приведены примеры «тахмисов», т.е. пятистрочий, привязанных к газелям определенного автора-поэта, а в нашем примере-«тахмисы» Нишотия к газелям А.Наваи, рассмотренные на основе монографий и сборников книг, подготовленных к изданию со стороны В.А.Абдуллаева, Х.Расула, В.Мирзаева. Так, посредством их параллельного сравнения с текстом-оригиналом определяются текстовые различия в текстах-источниках на фонетико-лексическом уровне и их единицах.

Annotation

This article provides examples of "tachmis", i.e. five lines, attached to the gazelles of a certain author-poet, and in our example, "tachmises" of Nishatiy to the gazelles of A.Navai, considered of books prepared for publication by V.A.Abdullayev, H.Rasul, V.Mirzayev. So, through their parallel comparison with the original text, textual changes in source texts at the phonetic and lexical level and their units are determined.

Таянч сўз ва иборалар: мухаммас, тахмис, ғазал, матн, фонетик фарқ, лексик фарқ.

Ключевые слова и понятия: мухаммасы, тахмисы, ғазал, текст, фонетико и лексическом различия.

Keywords and word combinations: muxammases, tachmises, gazalles, text, phonetic and lexical changed.

Биз журналнинг ўтган сонидан Нишотийнинг “Эрди”, “Билдим”, “Айламиш”, “Айлама” радифли мухаммасларини ўрганиб, асл матн (156-7054 инв. рақами) билан таққослаб ўзаро ўзига хос айирмаларни икки гуруҳга бўлиб, унинг биринчи гуруҳи билан танишган эдик. Қуйида ҳавола қилаётган қайдларимиз аввалги дебочамизнинг давоми.

II. Матнда сўзларнинг қўлланишидаги фарқ. Улар асосан, икки хил шаклга эга. Улардан биринчиси сўз шаклининг ўзгаришига боғлиқ. Бунда маъно тўлиғича сақлангани ҳолда бир сўзнинг ўрнига бошқаси қўлланади. Иккинчисидан эса сўзнинг шакли ҳам, маъноси ҳам ўзгаради.

“Эрди” радифли мухаммаси

В.А.Абдуллаев монографиясида:

Гулшан **тубида** масканимиз **бир** чаман эрди [4. 82].

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:

Гулшан **ичида** масканимиз **пур** чаман эрди [6. 418].

В.Мирзаев нашрида:

Гулшан **тўрида** масканимиз **бир**

чаман эрди [5. 63].

Фавоид ул-кибарда:

Гулшан **тўрида** масканимиз **бир** чаман эрди [3. 609].

156 рақамли қўлёзмада:

كلشن ايچيدا مسكنيميز بير چمن ايردى [9. 697-b.]

7054 рақамли қўлёзма:

كلشن توبدا مسكنيميز بير چمن ايردى [7. 10-11-b.]

В.А.Абдуллаев монографиясида:

Бордим бу кеча бу сори бўлиб келгали мойил

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:

Ёрим кеча бу сори бўлиб келгали мойил

В.Мирзаев нашрида:

Ёрим бу кеча бу сориға бўлиб келгали мойил

156 рақамли қўлёзмада:

ياريم كيچه بو سارى بولوب كيكالى مایل

7054 рақамли қўлёзма:

باريم كيچه بو سارى بولوب كيكالى مایل

О.Солиева – ҚДПИ докторанти.

.А.Абдуллаев монографиясида:
Гулшанаро икки киши сиғғуча манзил
 Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Гулбунаро кишига сиғғуча манзил
 икки
 В.Мирзаев нашрида:
Гулбунаро кишига сиғғуча манзил
 икки
 Фавоид ул-кибарда:
Гулбинаро икки кишига сиғғуча
 манзил
 156 рақамли қўлёзмада:
 کلین ارا ایکی کیشیکا سیغغوچه منزل
 7054 рақамли қўлёзма:
 کُلشن ارا ایکی کیشی سیغغوچه منزل

В.А.Абдуллаев монографиясида:
 Гулгун май ичиб бизни **этиб** сарв,
 сарафроз
 Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
 Гулгун май ичиб бизни **қилиб** сарви,
 сарафроз
 В.Мирзаев нашрида:
 Гулгун май ичиб, бизни **қилиб** сарв
 сарафроз
 156 рақамли қўлёзмада:
 کلکون می ایچیب بیزنی قیلیب سرو سرافراز
 7054 рақамли қўлёзма:
 کلکون می ایچیب بیزنی ایتیب سرو سرافراز

В.А.Абдуллаев монографиясида:
 Хуршидими еткурди **букун** чарх
 забардаст
 Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
 Хуршидни еткурди **бутун** чархи
 забардаст
 В.Мирзаев нашрида:
 Хуршидини еткурди **бутун** чархи
 забардаст
 156 рақамли қўлёзмада:
 خورشیدیینی یتکوردی بوتون چرخ زبردست
 7054 рақамли қўлёзма:
 خورشیدییمی یتکوردی بوتون چرخ زبردست

В.А.Абдуллаев монографиясида:
 Ман доғи **кўзимни** кафи пойиға қўйиб
 маст,
 Гулбарг ўза кирпиқдин агарчи **тикан**
 эрди.
 Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
 Ман доғи **юзимни** кафи пойиға қўйиб
 маст,

Гулбарг ўза кирпиқдин агарчи **нигин**
 эрди.
 В.Мирзаев нашрида:
 Мен доғи юзумни капи пойиға қўйиб
 маст,
 Гулбарг ўза кирпиқдин агарчи **нигин**
 эрди.
 Фавоид ул-кибарда:
 Ман доғи **юзумни** кафи пойиға қўйиб
 маст,
 Гул барг ўза кирпиқдин агарчи **тикон**
 эрди.
 156 рақамли қўлёзмада:
 من داغی یوزیمنی کف پایغہ قویوب مست
 کلبرک اوزه کرپکدین اگرچی تیکن ایردی
 7054 рақамли қўлёзма:
 من داغی کوزومنی کف پایغہ قویوب مست
 گلبرک اوزه کیرپکدین اگرچی تیکن ایردی

В.А.Абдуллаев монографиясида:
 Юз қатла ҳаётидин ўлиб ранжа **манго**
 жон
 Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
 Юз қатла ҳаёти ўлиб ранжа **анга қон**
 В.Мирзаев нашрида:
 Юз қатла ҳаётидин ўлуб ранжа **анго**
 жон
 156 рақамли қўлёзмада:
 یوز قاتله حیاتیدين اولوب رنجه انکا جان
 7054 рақамли қўлёзма:
 یوز قاتله حیاتیدين اولوب رنجه منکا جان

В.А.Абдуллаев монографиясида:
 Мунчаки мурод анга **бу** важҳи **ҳасан**
 эрди
 Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
 Мунчаки мурод анга **ба** важҳи **ҳусин**
 эрди
 В.Мирзаев нашрида:
 Мунчаки мурод анга **бу** важҳи **ҳасан**
 эрди
 156 рақамли қўлёзмада:
 مونچه کی مراد انکا بوجه حسن ایردی
 7054 рақамли қўлёзма:
 منچه کی مراد انکا بوجه حسن ایردی

“Билдим” радифли мухаммаси
 В.А.Абдуллаев монографиясида:
 Қуёшки чиқса **уфук**дин топар жаҳонга
 шийўъ[4. 81]
 Анго **сафед** дами субҳ аввал ўлди
вукўъ

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Қуёшқи чиқса **уфқдин** топар жаҳонга
шуйуъ [6. 431]

Анга **сапида** дами субҳ аввал ўлди
ВУКУЪ

В.Мирзаев нашрида:
Қуёшқи чиқса **уфқдин** топар жаҳонга
шу йўъ [5. 71]

Анга **сафид** дами субҳи аввал ўлди
ВУКУЪ

156 рақамли қўлғезмада:
قوياشكى چيقسه افقىدين تاپار جهانغه شيوع
[9. 712-713] آنكا سپيده دم صبح اول اولدى وقوع

7054 рақамли қўлғезма:
قوياشكى چيقسه افقىدين تاپار جهانغه شيوع
[7. 7^a/ 6^b] آنكا سپيده دم صبح اول اولدى وقوع

В.А.Абдуллаев монографиясида:
Юзинг қуёш табу тобидин **эшитмиш**

эдим
Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Юзинг қуёши табу тобидин **иситмиш**

эдим
В.Мирзаев нашрида:
Юзинг қуёши табу тобидин **иситмиш**

эдим
156 рақамли қўлғезмада:
يوزينك قوياشى تن تابيدين ايشيتمش ايديم

7054 рақамли қўлғезма:
يوزينك قوياشى تب تابيدين ايشيتمش ايديم

В.А.Абдуллаев монографиясида:
Битар яранг деди ҳолинг сўзингга
етмиш эдим

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Битар яранг, деди ҳолинг сўзига
тутмиш эдим

В.Мирзаев нашрида:
Ётар яранг деди ҳолинг сўзига
тутмиш эдим

156 рақамли қўлғезмада:
بيتار يرانك ديدى حالينك سوزيكا توتمش ايديم
7054 рақамли қўлғезма:
بيتار يرانك ديدى حالينك سوزينككا يتمش ايدي

В.А.Абдуллаев монографиясида:
Не дей Нишотийи **мискин** сабоҳи
осолин

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Не дей Нишотий **мушкин** сабоҳ солин
В.Мирзаев нашрида:

Не де Нишотий, **мискин** сабоҳ солин
156 рақамли қўлғезмада:
نى دى نشاطى مسكين صباح اصلين

7054 рақамли қўлғезма:
نى دى نشاطى مسكين صباح اصلين
“**Айламиш**” радифли мухаммаси

В.А.Абдуллаев монографиясида:
Лашкари идроку ақлу сабру хушим
топди рам,
Титрагучдин айламиш кирпик
ясолиға алам [4. 80],

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Лашкари идроку ақлу сабру хушим
этти рам,

Тийра кучдин айламиш гар
пайксолиға алам[6. 429],

В.Мирзаев нашрида:
Лашкари идроку ақлу сабру хушим
топди рам,

Титрагучдин айламиш кирпик
ясолиға алам[5. 67],

Ғаройиб ус-сиғар:
Тийра кучдин қилмиш ўл кирпик
ясолиға алам[1. 275],

156 рақамли қўлғезмада:
لشكر اذاتك عقل صبر هوشيم ايتى رم
[9. 710] تيترا كوچدين ايلاميش كريك يساليغه علم
7054 рақамли қўлғезма:
لشكر اذاتك عقل صبر هوشيم تاپتى رم
[7. 6^b-7^{a/6}] يترا كوچدين ايلاميش كيريك ساليغه علم

В.А.Абдуллаев монографиясида:
Ўйладурким **айламиш илгин ҳино**
бирла нигор,

Ўлки гулгун кўнглак узра **тўнни огин**
айламиш.

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:
Ўйладурким, **илкани ҳино ўза**
қилмиш нигор,

Ўлки гулгун кўнглак узра **бу не рангин**
айламиш.

В.Мирзаев нашрида:
Ўйладурким **айламиш илгин ҳино**
бирла нигор,

Ўлки гулгун кўйлаки узра **тўнин ол**
айламиш.

Наводир уш-шабобда:
Ўйладурким, **илгини ҳино ўза**
қилмиш нигор,

Ўлки гулгун кўнглак узра **тўнин эпкин**
айламиш.

156 рақамли қўлғезмада:
ايلادوركم ايلاميش ايلكين چنا بيرله نكار,
اولكى كلكون كونكلاك اوزره تونني آل ايلاميش.
7054 рақамли қўлғезма:
ايلادوركم ايلاميش ايلكين چنا بيرله نكار,
اولكى كلكون كونكلاك اوزره تونني اكين ايلاميش.

В.А.Абдуллаев монографиясида:
Саъди алтофи сўзига кўз солиб ул шўху шанг,

Баҳри маънида Нишотийдир агар **жангий** наҳанг,

Кўхи донишда Навоий ҳам эрур **ғуррон** паланг,

Гар Сулаймон мулкича бордур **Навоийга** нетонг,

Чунки бул Қайси замон назмиға таҳсин айламиш.

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:

Деди алтофи сўзига кўз солиб ул шўху шанг,

Баҳри маънида Нишотийдир агар **чанги** наҳанг,

Кўхи донишда Навоий ҳам эрур **ғаррон** паланг,

Гар Сулаймон мулкича бордур **Навоийга** нетонг,

Чунки билқиси замон назмиға таҳсин айламиш.

В.Мирзаев нашрида:

Деди Алтофи сўзига кўз солиб ул шўхи шанг,

Баҳри маънида Нишотийдур агар **чанги** наҳанг,

Гуҳий донишда Навоий ҳам эрур **ғаррон** паланг,

Гар Сулаймон мулкича бордур **Навоийга** нетонг,

Чунки бил қийси замон назмини таҳсин айламиш.

Наводир уш-шабобда:

Гар **Навоийга** Сулаймон мулкича бордур, нетонг,

Бунки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.

156 рақамли қўлёзмада:

ديدى الطاف سورىغه كوز ساليب اولشوخ شنك،

بحر معنيدہ نشاطيدور اكر چنك نهنك،

كوه دانشدا نوايى هم ايرور غران پلنك،

كر سليمان ملكيچه باردور نوايى غه نيتانك،

چونكى بلقيس زمان نظمىنى تحسین ايلاميش.

7054 рақамли қўлёзма:

سعدى الطاف سورىكه كوز ساليب اول شوخ شنك،

بحر معنيدہ نشاطي دور اكر چنك نهنك،

كوه دانشده نوايى هم ايرور غران پلنك،

كر سليمان ملكيچه باردور نوايى غه نيتانك،

چونكى بلقيس زمان نظميغه تحسین ايلاميش.

“Айлама” радиқли мухаммаси

В.А.Абдуллаев монографиясида:

Улки **онсиз** меҳри рухсориға кўнглим

жилвагоҳ,

Гар **торар** бўлса муанбар ҳалқайи зулфи сиёҳ [4. 76],

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:

Улки **бордур** меҳри рухсориға кўнглим жилвагоҳ,

Гар **терар** бўлса муанбар ҳалқайи зулфи сиёҳ [6. 424],

В.Мирзаев нашрида:

Улки **бордур** меҳри рухсориға кўнглим жилвагоҳ,

Гар **тарар** бўлса муанбар ҳалқайи зулфи сиёҳ [5. 57],

156 рақамли қўлёзмада:

اولكى باردور مهر روخساريغه كونكليم جلوه كاه،

كر تيرار بولسه معنير حلقة زلف سياه، [9. 704-705]

1117 рақамли қўлёзма:

اولكى باردور مهر روخساريغه كونكليم جلوه كاه،

كر تيرار بولسه معنير حلقة زلف سياه، [8. 100^б]

В.А.Абдуллаев монографиясида:

То тирикман жаври тиғи заҳмин этгил пираҳан

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:

Ё тирикман жавр тиғи заҳмин эткил пираҳан

В.Мирзаев нашрида:

То тирикман жавр тиғини заҳмин этгил пираҳан

156 рақамли қўлёзмада:

يا تيريكمن جور تيغى زخمين ايئكيل پيرهن

1117 рақамли қўлёзма:

تا تيريكمن جور تيغنى زخمين ايئكيل پيرهن

В.А.Абдуллаев монографиясида:

Мумкин эрмас боғи жаннат ичра **сандек** бир гуле,

Сарв қадде, гул руҳе, гул узра печон сунбуле,

Ҳ.Расул ва И.Ражабов нашрида:

Мумкин эрмас боғи жаннат ичра **сандек** бир гуле,

Сарф қадди, гулруҳи, гул узра печон сунбули,

В.Мирзаев нашрида:

Мумкин эрмас боғи жаннат ичра **санингдек** бир гули,

Сарв қаддий, гулруҳий, гул узра печон сунбули,

156 рақамли қўлёзмада:

ممكين ايرماس باغ جنت ايچرا سنديك بير كلى،

سرو قدى كل رخی كل اوزره پچان سنبلی،

1117 рақамли қўлёзма:

ممكين ايرماس باغ جنت ايچره سينديك بير كلى،

سرو قدى كل رخی كل اوزره پچان سنبلی،

Юқоридаги тафовутлардан шундай хулосага келинадики, матнларнинг баъзиларида сўзларнинг синонимлари ишлатилган бўлса, баъзиларида сўзларнинг ўрни алмашган баъзиларида эса умуман бошқа маъно билдирадиган сўзлар мавжуд. Бу эса нашрга тайёрловчи олимларнинг турли даврда кўчирилган қўлёзма матнлардан фойдаланганлигидир. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида “نشاطى. جوسنودل داستانى” номли 156 инв. рақам остида сақланаётган, ҳижрий 1351(милодий 1930) йил шоир Комил Хоразмий ўғли Муҳаммад Расул (тахаллуси Мирзо) томонидан кўчирилган қўлёзма матни асосида 1967 йил Ҳ.Расул ва И.Ражабовлар томонидан тайёрланган “Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар” номли китоб, ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар хазинасида сақланаётган, ҳижрий 1323 (милодий 1905) йил хаттот Мулла Болтаниёз ибн уста Қурбонниёз томонидан кўчирилган “بياض محمسات” номли № 7054 инв. рақамли қўлёзма матн асосида

1960 йил В.А.Абдуллаевнинг “Хоксор ва Нишотий” монографияси, ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар хазинасида сақланаётган, ҳижрий 1321(милодий 1903) йил котиб Мулла Муҳаммад Юсуф томонидан кўчирилган “غزليات لطفى وجسينى و نشاطى” номли 1117/III инв. ҳамда, “بياض محمسات” сарлавҳали 7054 инв. рақамли қўлёзма матнлар асосида 1960 йил В.Мирзаев тайёрлаган нашр “Нишотий. Танланган асарлар.” китоби шулар жумласидандир. Ушбу нашрларни ўзаро солиштиришда ҳар учала нашр нусхалари уч хил даврда уч хил хаттот томонидан кўчирилганлиги боис матнлардаги тафовутлар миқдори анчани ташкил қилади.

Бу каби мисоллардан Нишотийнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари матни, нашрий такомилли ва уларнинг насрий баёни устидаги ишлар ҳали узил-кесил ҳал қилинмаганлигидан далолатдир. Амалга оширилган юқоридаги каби нашрларнинг ютуқлари билан бирга нуқсонлари келгусида барҳам топиб боради, деган умиддамиз.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маъоний. Фаройиб ус-сиғар. 10-жилдлик, 1 жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маъоний. Наводир уш-шабоб. 10-жилдлик, 2-жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маъоний. Фаваид ул-кибар. 10-жилдлик, 4 жилд. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.
4. В.А.Абдуллаев. Хоксор ва Нишотий. – Самарқанд, СамДУ, 1960.
5. Нишотий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи: Мирзаев В. – Т.: Бадиий адабиёт. 1960.
6. Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Расул, И.Ражабов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт. 1967.
7. بياض محمسات ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти 7054 рақамда сақланувчи асосий қўлёзмалар фонди.
8. غزليات لطفى وجسينى و نشاطى. ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти 1117 инв. рақамда сақланувчи асосий қўлёзмалар фонди.
9. جوسنودل داستانى. نشاطى. Навоий адабиёт музейи № 156 инв. рақамда сақланувчи қўлёзма фонди.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)